

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2015 йил 13 ноябрь • № 46 (1067)

## Эътироф

# САДОҚАТ ВА ФИДОЙИЛИК ТИМСОЛИ

Маълумки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи яшанбаси тиббиёт ходимлари байрами сифатида нишонланиши ҳам мамлакатимиз шифокору ҳамшираларининг меҳнатига билдирилган юксак ҳурмат ва эътибордир.

Қарийб тўққиз йилдирки, республикаимиз тиббиёт тизимида халқимиз саломатлиги йўлида фидокорона хизмат қилаётган соҳа вакиллари ушбу санани кўтаринки кайфиятда нишонлаб келмоқдалар. 2015 йилнинг 7 ноябрь куни Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида тиббиёт ходимлари кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.



Анъанага мувофиқ ушбу касб байрамида шифо масканларида фаолият олиб бораётган мутахассисларнинг бир гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғига асосан, “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланса, “Оналик ва болаликни муҳо-

фаза қилиш бўйича энг яхши даволаш-профилактика муассасасининг тиббиёт ходими”, “Энг намунали қишлоқ врачлик пункти”, “Энг яхши умумий амалиёт шифокори”, “Энг яхши патронаж ҳамшира”, “Энг яхши санитария-эпидемиология назорати маркази ходими”, “Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши даволаш-про-

филактика муассасалари” номинациялари бўйича республика танлови ғолиблари аниқланиб, рағбатлантирилади.

Байрам тадбирини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг Анвар Алимов кичирини сўзи билан очиб, республикаимиз тиббиёт тизимида эришилаётган ютуқларга тўхталиб, тиббиёт ходимларини касб бай-

рамлари билан самимий қутлади. Ва “ўзбек модели” асосида барча соҳада, жумладан, тиббиёт тизимида кенг кўламли ислохотлар босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётганлигини эътироф этди. Бунинг натижасида бирламчи тиббий-санитария ёрдамидан кўрсатувчи қишлоқ врачлик пунктлари, туман, вилоят кўп-

тармоқли тиббиёт марказларидан тортиб, юқори технологияли тиббий хизматлар кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларигача барча даражаларни қамраб олган аҳолига сифатли хизмат кўрсатишнинг яхлит ва мукамал ташкилий тузилмаси яратилганлигини (Давоми 2-бетда).

## Хамкорлик

# ЖАНУБИЙ КОРЕЯЛИК ШИФОКОРЛАР БУХОРОДА



Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида мамлакатимиз ва Жанубий корейлик шифокорлар бемор болаларни тиббий кўриқдан ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Жанубий Корейнинг “Hyundai Engineering” компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган тиббий кўриқдан

кўзланган мақсад болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилалардаги бемор болаларни ижтимоий ва тиббий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдир.

Касаллик қанча эрта аниқланса, уни даволаш шунча осон кечади. Бу ерга келган хориқлик терапевт, педиатр, акушер-гинеколог, нейрохирург ва окулистлар уч кун давомида болалар ва кексаларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказди. Мурожат қилганларнинг бир қисмига аниқ ташхислар асосида даволаниш бўйича тавсия билан бирга дори-дармон ҳам берилди.

– Тўрт ёшли ўғлимни дўхтирлар синчиклаб текширди, – дейди **Нозима Бобоева**. – Жиддий касаллик йўқлигидан жуда хурсандман. Шунчаки, шифохонада даволаниши керак экан. Бундай эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимиздан миннатдоримиз.

Тиббий кўриқда вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг тегишли йўналишлардаги шифокорлари ҳам иштирок этди. Бу улар учун тажриба алмашиш, маҳоратини ошириш имконини яратди.



– Дунёнинг кўплаб давлатларида бўлган шифокор сифатида айтишим керакки, Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида ибратли ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдим, – дейди **Жанубий корейлик шифокор Канг Пёнг Сок**. – Вилоят кўптармоқли тиб-

биёт марказида барча қулайлик яратилган бўлиб, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Бу ерда барча шароит мавжудлиги боис биз келтирган тиббий ускуналарга ҳожат ҳам қолмади.

**Эркин ЁДГОРОВ.**  
Суратлар муаллифи  
**Тоҳир ИСТАТОВ.** (ЎЗА).

## Эътироф

## САДОҚАТ ВА ФИДОЙИЛИК ТИМСОЛИ



текшириш институти томонидан гемабластозларнинг диагностикаси ҳамда давоси мониторингига молекуляр-генетик усул киритилди. Мазкур усул гемабластозларга аниқ ташхис қўйиш, даволаш самарадорлигини назорат қилиш имконини бераётганлиги ҳамда тизимнинг бошқа йўналишларида ҳам ижобий натижалар намоён бўлаётганлигини ўз фикрларида баён этди.

Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова сўзга чиқди ва соҳада эришилаётган муваффақиятларга алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, мамлакатимизда она-



алоҳида тилга олди. Шу билан бирга мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги илмий мактаблар негизда 10 та республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ташкил этилди, шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизими орқали аҳолига тезкор сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Ўтган давр мобайнида "Соғлом она – соғлом бола" ғоясини ўзида мужассам этган дастурлар асосида кенг қўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётда қўлланилиши натижасида скрининг ва перинатал каби тиббиёт марказлари ҳамда уларнинг вилоятлардаги филиаллари миллий тиббиётимизда мустақкам ўрин эгаллади. Шунингдек, урология йўналишида энг мураккаб касалликларни ҳам самарали даволаш имконияти яратилганлиги, жумладан, эндоскопик жарроҳлик усули буйракда тош йиғилиши билан боғлиқ муаммоларни осонгина ҳал этиш имконини бераётганлигини алоҳида қайд этиб, бундан 15-20 йил олдин беморнинг буйрагида тош бор деган ташхис қўйилса, унинг ҳажмида қатъи назар, даволаш чораси битта эди – фақат тиф теккизиш йўли билан оғриқдан халос этиш. Айни пайтда эса бундай касаллик билан хасталанганларнинг 88 фоизи кам жароҳат етказиш усули асосида даволанмоқда. Бу албатта, жаҳондаги энг илғор мамлакатларда эришилган кўрсаткичларга тенг. Травматология соҳасида ҳам йирик бўғимлар артрозлари деб аталувчи касалликни даволаш учун эндопротезлаш (сунъий бўғим ўрнатиш) операцияси ҳам бир неча ихтисослаштирилган клиникаларда муваффақиятли ўтказиб келинмоқда. Бундан ташқари, тизза бўғими жароҳатлари ва касалликларини артроскопик усулда операция қилиш ҳам кенг қўламли амалиётга айланди. Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказида юзлаб турдаги энг мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилмоқда. Яқинда беморларда қизилўнғач веналарининг варикоз кенгайган веналардан қон кетишини профилактика қилишнинг кичик инвазив усули жорий этилди. Мазкур усул бугунги кунда бир қанча беморларда ўтказилиб,

(Давоми. Боши 1-бетда).



таъминланганлигига урғу бериб, оналар ва болалар тизимли равишда тиббий текширувдан ўтказилаётганлигини айтиб ўтди. Таъкидлаш муҳимки, фақат 2014 йилда 6 миллион 500 минг нафар мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, мактаб, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Бу эса касалликларни барвақт аниқлаш ҳамда уларни самарали даволаш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустақкамлаш, оналар, болалар ва

саларнинг моддий-техник базаси ҳамда кадрлар салоҳиятини кучайтириш, замонавий ташхис усулларини жорий этиш, аёллар, болалар ва ўсмирлар касалликларининг олдини олиш бўйича яқин истиқболга мўлжалланган вазифалар белгилаб берилди. Бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатлар 2011 йили пойтахтимизда бўлиб ўтган "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она – соғлом бола" мавзусидаги халқаро симпозиумда ҳам алоҳида эътибор этилди.

Тадбирда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари вазифасини бажарувчи Октай Гўзалов ҳам сўзга чиқиб, мамлакатимиз тиббиёт тизимида эришилаётган муваффақиятларга тўхталиб, Ўзбекистонда тиббиёт ходимларининг касб байрамлари алоҳида нишонланиши бу давлатимизнинг соҳа мутахассислари меҳнатига бўлган юксак эътибори эканлигини алоҳида таъкидлади ва иштирокчиларни қизғин қутлади.

Тадбирнинг расмий қисмида сўнг республикамиз тиббиёт тизимида кўп йиллардан буён ўзининг фидойи меҳнатлари билан эл назарига тушган шифокору ҳамшираларнинг хизматлари қўллаб-қувватланиб, республика танловида турли номинациялар бўйича голиб бўлганлар "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочилиги" кўкрак нишони, вазирликнинг махсус дипломи ҳамда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари қасаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан қимматбахо совғалар билан тақдирландилар.

**Алима МАТКАРИМОВА,**  
Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази бош врач:

– Истиклол шарофати билан тиббиёт тизимида катта ўзгаришлар юз бериб, соҳада юксак натижаларга эришилмоқда. Жумладан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланганлиги бугунга келиб ўзининг ижобий натижаларини бераётганлиги қувонардир. Айниқса, кейинги йилларда оналар ва болалар ўлими кўрсаткичлари камайиб,

(Давоми 3-бетда).

**«Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши даволаш-профилактика муассасасининг тиббиёт ходими»**

**Дилдора АҲМАДЖОНОВА,**  
Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани 4-шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси шифокори.

**«Энг яхши умумий амалиёт шифокори»**

**Феруза ЮСУПОВА,**  
Хоразм вилояти Хива тумани «Огаҳий» ҚВП умумий амалиёт шифокори.

**«Энг яхши санитария-эпидемиология назорати маркази ходими»**

**Абдуҳаким САРИМСОҚОВ,**  
Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази захарли химикатлар гигиенаси токсикология бўлими мудир.

**«Энг яхши патронаж ҳамшира»**

**Шаҳноза САТТОВА,**  
Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси патронаж ҳамшираси.

**«Энг намунали қишлоқ врачлик пункти»**

1. Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани «Қумқишлоқ» ҚВП
2. Навоий вилояти Навбахор тумани «Учтут» ҚВП
3. Наманган вилояти Уйчи тумани «Хизиробод» ҚВП

**«Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши даволаш-профилактика муассасалари»**

**Қорақалпоғистон Республикаси** кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази  
**Андижон вилояти** Избоскан тумани тиббиёт бирлашмаси болалар бўлими  
**Бухоро вилояти** перинатал маркази  
**Жиззах вилояти** болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази  
Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази **Қарши филиали**  
**Навоий вилояти** болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази  
**Наманган вилояти** Янгикўрғон туман тиббиёт бирлашмаси туғруқхона комплекси  
**Самарқанд вилояти** болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази  
**Сирдарё вилояти** Янгир шаҳар тиббиёт бирлашмаси туғруқхона комплекси  
**Сурхондарё вилояти** Денов тумани акушерлик комплекси  
**Тошкент вилояти** Бекобод шаҳар тиббиёт бирлашмаси туғруқ бўлими  
**Тошкент шаҳар** 6-сон туғруқ комплекси  
**Фарғона вилояти** болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази.

юқори самарага эришилди. Наманган, Хоразм ва Фарғона вилоятларида юрак клапанларини алмаштириш, туғма ва орттирилган юрак касалликларини операция қилиш ҳамда аорта коронар шунтлаш каби юқори технологик жарроҳлик амалиёти татбиқ қилина бошланди. Гематология ва қон қуйиш илмий-

лик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари давлатимизнинг устувор вазифасига айланганлиги ҳамда бу борада скрининг марказлари, вилоят кўп тармоқли болалар шифохоналари, шунингдек, ихтисослаштирилган педиатрия тиббиёт муассасалари замонавий тиббий асбоб-ускуна ва зарур жиҳозлар билан

ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисидаги Қарори бу борадаги ишларни янги bosқичга кўтарди. Мазкур ҳужжат асосида юртимизда аҳоли репродуктив саломатлигини янада мустақкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда тиббий ёрдам кўрсатаётган муассас-

## Эътироф

## САДОҚАТ ВА ФИДОЙИЛИК ТИМСОЛИ

болалар ўртасида юқумли касалликларнинг олди олинди. Бу каби муваффақиятларни қўлга киритишда давлатимиз томонидан кўп тармоқли болалар тиббиёт марказларининг Инвестиция дастури асосида қайта реконструкция қилинганлиги, замонавий тиббий асбоб-ускуна ва аппаратуралар ҳамда малакали кадрлар билан таъминланганлиги болаларимиз саломатлигини асрашда асосий ўринга эга бўлмоқда. Шу билан бирга кадрлар салоҳиятини ошириш учун марказлар қошида ўқув хоналарининг ташкил этилганлиги ҳам соҳа мутахассислари билим ва тажрибасини оширишда қўл келмоқда. Касб байрамимиз арафасида "Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши даволаш-профилактика муассасалари" номинацияси бўйича муносиб ўринга лойиқ топилганлигимиз қалбимни фахрга тўлдирди. Марказимиз Инвестиция дастури бўйича қайта реконструкциядан чиқарилди, шунингдек, айрим бўлимлар янгидан бунёд этилди. Бемор болаларни даволаш учун барча шароит ва имкониятлар яратилди. Реанимация бўлими ҳамда операцион блоклардаги сўнгги русумдаги аппаратураларнинг мавжудлиги ишларимиз самардорлигини ошириб келмоқда. Мазкур но-

(Давоми. Боши  
1-2-бетларда).

минация бўйича қўлга киритган муваффақиятларимиз, бу албатта, жамоамиз ходимларининг аҳилликда олиб борган фаолиятларида деб биламан. Тиббиёт ходимлари меҳнатини қадрлаб, биз каби соҳа мутахассислари хорижий давлатларда бўлиб ўтаётган нуфузли анжуманларда иштирок этиб, ҳамкасбларимиз билан ўзаро тажриба алмашишимизда ҳамда дунё тиббиёти янгиларидан хабардор бўлишимизда кенг имкониятлар яратиб бераётган Президентимизга Ўзбекистон Республикаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирликлари самимий миннатдорлик билдираман.

**Дилдора  
АХМАДЖОНОВА,  
Тошкент шаҳар**

**Шайхонтоҳур тумани 4-шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси шифокори:**

– Касб байрамимиз олдида "Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши даволаш-профилактика муассасасининг тиббиёт ходими" номинацияси бўйича голибликни қўлга киритганимдан гоят фахрландим. Чунки болажонлар дардини тушуниш, уларни тўғри даволаш ҳар бир болалар шифокорига катта масъулият юклаши табиий. Шундай экан, жамоамиз ходимлари шифохонамизга келаётган соҳа мутахассисларининг хизматига бўлган юксак баҳо деб биламан. Ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси биз учун қадрли кун ҳисобланади. Меҳнатларимиз эътироф этилиб, муносиб тақдирла-

верса, оналар учун ҳам барча шароит ва имкониятларнинг мавжудлиги бемор болаларни касалликдан тезда фориғ бўлишларида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Мен қўлга киритган ушбу муваффақият ҳамкасбларимнинг ҳам кеча-кундуз фидойи меҳнатларининг махсули деб биламан. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғига асосан, "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочилиси" кўкрак нишонининг тақдим этилиши ҳам касбимга бўлган меҳримни янада ошириб, бу ишонччи оқлаш учун янада масъулият билан ишлашим зарурлигини юракдан ҳис этдим. Мени камтарона меҳнатимни муносиб тақдирлаган қалби пок, самимий инсонларга ўз ташаккуримни билдириб қоламан.

**Абдуҳаким  
САРИМСОҚОВ,  
Республика Давлат  
санитария-эпидемиология  
назорати маркази  
заҳарли химикатлар  
гигиенаси токсикология  
бўлими мудири:**

– Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, бу албатта, мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида фидойиларча меҳнат қилаётган соҳа мутахассисларининг хизматига бўлган юксак баҳо деб биламан. Ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси биз учун қадрли кун ҳисобланади. Меҳнатларимиз эътироф этилиб, муносиб тақдирла-



нишимизнинг ўзи халқимизнинг тиббиётга бўлган ишончида деб биламан. Бугунги тадбирда «Энг яхши санитария-эпидемиология нazorати маркази ходими» номинациясида фахрли ўринга сазовор бўлишим нафақат мени, балки жамоамиз ходимларининг меҳнатига берилган юксак баҳодир. Айтишим муҳимки, кейинги йилларда мамлакатимизда эпидемиологик барқарорлик сақланиб турганлиги бу бизнинг катта муваффақиятимиздир. Бу борада соҳа вакиллари ўз билим ва тажрибаларини ишга солиб, республика миқёсида изчиллик билан фаолият юритганликларининг боиси, юртимизга ҳеч қандай эпидемик касалликлар хавф туғдирмади. Хулоса ўрнида айтмоқчиманки, Оллоҳ бизга шундай касб ато этган эканки, инсон саломатлиги ҳар бир тиббиёт ходими олдидаги муҳим ва-

зифалардан бири эканлигини унутмаслигимиз керак.

Тадбирда вазирликнинг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочилиси» кўкрак нишони ҳамда махсус дипломи билан тақдирланганлигим йиллар мобайнида астойдил хизмат қилиб, қанчадан-қанча инсонларга соғлиқ улашганимнинг махсули деб биламан. Камтарона меҳнатимни қадрлаб, фаолиятимга юксак ишонч билдирган Юртбошимизга, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳамда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши жамоасига мамнунлигимни изҳор этаман.

**Ибодат СОАТОВА,  
Ақром АБДУЛЛАЕВ  
олган суратлар.**

## Бирламчи тизим фаолияти

## ТИББИЙ ПАТРОНАЖ ХИЗМАТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида мамлакатимизда тиббий патронаж хизматининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, бу йўналишда жойларда фаолият юритаётган «Саломатлик секторлари»нинг ишини янада кучайтириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш борасидаги долзарб вазифаларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорликда ташкил этган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, шифокорлар, ҳамширалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Худаяров, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф. Абдураҳимов ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган узлуксиз ислохотлар инсон саломатлигини асраш, оналик ва болаликни тиббий-ижтимоий муҳофазалаш, замонавий тиббий ёрдамдан халқимизнинг баҳрамандлигини оширишда муҳим омили бўлаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори асосида бу йўналишдаги ишлар янги босқичга кўтарилмоқда.

Мамлакатимизда «Соғлом она – соғлом бола» миллий моделини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш, замонавий тиб-

бий-профилактика ёрдами билан аҳолининг барча қатламларини, хусусан, болалар, ўсмирлар, туғруқ ёшидаги аёлларни тўлиқ қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида ушбу йўналишда ташкил этилган чуқурлаштирилган тиббий кўрикка қарийб тўққиз ярим миллион фертил ёшдаги аёл, саккиз миллиондан ортиқ бола қамраб олинди. Кўрик давомида касаллиги аниқланганлар босқичма-босқич соғломлаштирилмоқда.

Аҳолига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати ва самардорлигини янада оширишда патронаж хизматининг алоҳида ўрни бор. Замонавий тиббиётнинг муҳим йўналиши бўлган мазкур тизим нафақат тиббий-профилактика, балки инсон саломатлигини муҳофазалашга хизмат қиладиган кўплаб тармоқларни қамраб олгани билан аҳамиятлидир. Мамлакатимизда аҳолига бу йўналишда самарали ёрдам кўрсатиш бўйича мукамал тизим яратилган. Бугунги кунда уч мингга яқин қишлоқ врачлик пункти, юздан зиёд оилавий поликлиникада ўн минг-

дан ортиқ умумий амалиёт врачлари, 17 мингдан зиёд ҳамшира фаолият кўрсатмоқда. Ушбу тиббиёт масканларининг моддий-техник базаси йилдан-йилга тақомиллашиб бораётди.

Бирламчи тиббий-профилактика тизимида патронаж ҳамширалари фаолияти йўлга қўйилгани аҳоли орасига чуқур кириб, оиланинг тиббий-ижтимоий аҳолини ўрганиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда муҳим омил бўлмоқда. Кичик мутахассисларнинг малака ва маҳоратини ошириш, жаҳон тиббиётининг илғор технологияларини уларнинг иш жараёнига татбиқ этиш мақсадида патронаж ҳамшираларнинг ишини рейтинг баҳолаш тизими жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартда қабул қилинган «Қишлоқ врачлик пунктларини янада мақбуллаштириш ва фаолияти самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қўлланаётган мазкур усул тиббий хизматни янада тақомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. 2014 йилда юртимизнинг турли ҳудудларидаги юзга яқин қишлоқ врачлик пунктида ҳамширалар ишини рейтинг баҳолаш тизими синовдан ўтказилиб, ижобий хулоса олинди. Бундай тажриба жорий йилда ўн саккизта туманда давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан маҳалларда «Саломатлик секторлари» ташкил этилгани тиббий пат-

ронаж фаолияти самардорлигини янада ошириш, соғлом турмуш тарзига оид тарғибот ишларини кучайтириш, инсон саломатлиги, айниқса, оналик ва болаликни муҳофазалаш билан боғлиқ долзарб масалаларни ҳал этишда ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни ривожлантириш имконини кенгайтирмоқда. «Саломатлик секторлари» фаолиятида ҳудуддаги қишлоқ врачлик пункти ёки оилавий поликлиника шифокорлари ва ҳамширалари билан бирга маҳалла фаоллари, хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилотлари ва бошқа нодавлат ташкилотлар вакиллари ҳам иштирок этмоқда. Ҳафтанинг ҳар бир кунда аҳолининг алоҳида қатламини қамраб олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

– Сешанба ҳомиладор аёллар билан ишлаш кунимиз, – дейди **Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бош мутахассиси Раъно Аҳмедова.** – Шу кун патронаж ҳамширалар хонадонларга чиқиб, ҳомиладор ва яқинда фарзандли бўлган оналар саломатлигини чуқур ўрганади. Репродуктив саломатликни асраш бўйича тарғибот юритилади. Бу жараёнда маҳалла ва бошқа нодавлат ташкилотлар вакиллари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилгани она ва бола саломатлигига салбий таъсир этаётган ҳолатларни бартараф этиш имконини бермоқда. Ушбу йўналишдаги ишлар туфайли экстрагенитал касалликларни камайтириб, оналар ва болалар саломат-

лик кўрсаткичини яхшилашга, соғлом фарзандлар дунёга келишига эришмоқдамиз. Мазкур анжуман бу борадаги илғор тажрибаларни кенг оммалаштириш, патронаж хизмати сифатини яна ошириш, патронаж ҳамшираларнинг билим ва тажрибасини бойитишда муҳим роль ўйнайди.

Анжуманда «Соғлом она – соғлом бола» миллий моделининг улкан самаралари, аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, халқимизга тиббий-профилактика ёрдами кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган маърузалар тингланди. «Саломатлик секторлари»нинг фаолиятини ташкил этиш, патронаж ишларини амалга оширишда тиббиёт муассасалари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги масалалари атрофича таҳлил этилди. Эришилаётган ютуқлар билан бирга ечимини кутаётган муаммолар, уларни ҳал этишда патронаж хизмати зиммасида турган вазифалар белгилаб олинди.

Тадбир доирасида жойларда амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий лойиҳаларга оид кўргазмалар намойиш этилди.

**Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.**

**Баҳор ХИДИРОВА,  
ЎЗА.**

# 2016 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИХАСИДА

тиббий тизими имкониятларини кенгайтириш ва аҳоли саломатлигини сақлашга катта эътибор қаратилди

**Хабарингиз бор, куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳукумат аъзолари иштирокида Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги – Давлат бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаси кўриб чиқилиб, қизгин муҳокама қилинди.**

Таъкидландики, мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати – 2016 йилги Давлат бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари мамлакат иқтисодиётига ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, муҳим макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мувозанатини сақлаш, давлатнинг иқтисодиётда иштирок этиши улушини камайтириш, хусусий мулкнинг ролини тубдан ошириш, мамлакатда мустақам иқтисодий ўсиш ва барқарорлиқни таъминлаш мақсадида хусусий тадбиркорликнинг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш вазибаларини назарда тутди.

Тақдим этилган лойиҳалар иқтисодиётнинг изчил ўсишига, иқтисодий барқарорликнинг мувозанатлаштирилган кўрсаткичларини ҳамда экспортнинг ўсишини сақлаб қолишга, ташқи савдо тўлов балансининг ижобий сальдосини таъминлашга, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилгандир. Депутатлар келгуси йилга шакллантирилган солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишларида, шунингдек, асосий макроиқтисодий кўрсаткичларда ялпи ички маҳсулотнинг

7,8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,2 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,1 фоизга, капитал қўйилмалар ҳажми 9,6 фоизга ўсиши назарда тутилаётганлигини алоҳида қайд этдилар. Бундай ижобий тенденция қатор йиллар мобайнида Давлат бюджетни профицит билан ижро этиб келинмоқда, шу жумладан, иқтисодиётга солиқ юки изчил камайиб бораётган бир шароитда унинг даромад қисми бажарилиши таъминланмоқда, шунингдек, унинг харажат қисмини ижтимоий йўналтирилганлиги сақлаб қолинмоқда.

Шу билан бирга, 2016 йилда таълим муассасаларини жорий сақлаш харажатлари бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ҳамда олий ўқув юртининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси харажатларисиз ялпи ички маҳсулотга нисбатан 4,8 фоизни ташкил қилади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам бир қатор тиббиёт ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Мазкур ижтимоий жараён-

ларнинг замирида инсон ва унинг ҳаёти, тиббий-ҳуқуқий манфаатлари, турмуш фаровонлиги ва энг муҳими унинг саломатлиги ётади. Бу борада мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ эзгу қадамлар қўйилди.

## Тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш учун

Тиббиёт муассасаларидан тортиб, кадрлар фаолиятигача бўлган жараён янги тартибда ўзгариб, ривожланиш сари юз тутди. Бу албатта, биринчи навбатда қонун устуворлиги билан мустақамланди. Республикада янги механизм ишлаб чиқилди. Содда ва ихчам кўринишдаги фаолият турлари ўзининг ихтисослашуви ва тараққиёт дастури билан амалиётга кириб келди. Дастлаб тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси яхшиланиб, аҳоли яшайдиган ҳудудларга тиббиёт имкониятларини янада яқинлаштириш масаласи кун тартибидан ўрин ола бошлади. Бу жараён узок муддат давом этишига қарамасдан қисқа фурсатда ўз самарасини кўрсатди. Давлатимиз раҳбарининг бевосита эътибори ва ғамхўрлиги туфайли соҳадаги ўзгаришлар, тиббиёт ислохотлари, аҳоли манфаатларига хизмат қилувчи замонавий фаолият турлари, оналик ва болалик муҳофазаси билан боғлиқ масалалар ижтимоий соҳанинг муҳим объектига айланиб қолди. Ўтган қисқа давр ичида тиббиётимиз ривожли халқаро аҳамият даражасида юксалди, тараққиёт этди ва бу жараён уз-

луксиз равишда давом этиб келмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш аҳоли саломатлигини мустақамлашда бош вазифага айланди. Йирик лойиҳалар, халқаро ҳамкорликлар, давлат бюджетининг йилдан-йилга ошиб бориши тизимни юксак даражага кўтарди.

2016 йилда соғлиқни сақлаш харажатлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,8 фоизни ташкил этиб, мазкур тизимни ислоҳ қилиш ва аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш юзасидан қабул қилинган дастурлар доирасида барча тадбирларнинг молиялаштирилишини таъминлаш имконини беради.

Давлат бюджетининг лойиҳасида соғлиқни сақлаш ташкилотларининг дори-дармон ва озиқ-овқат харажатлари 2015 йил тасдиқланган бюджетига нисбатан 1,15 баравар ўсиш билан назарда тутилиши тақлиф этилмоқда.

Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ҳисобидан таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш ва қайта тиклаш ишлари ва жиҳозлаш мақсадлари учун 1,5 трлн. сўм, шундан, тиббиёт муассасалари учун – 553,3 млрд. сўм 168 та тиббиёт муассасаларини, жумладан, 20 та руҳий асаб касалликлари диспансерлари, 11 та оилавий полик-

линикалар, 99 та туман тиббиёт бирлашмаларини ва 2 та силга қарши кураш диспансерларини реконструкция ва капитал таъмирлаш мақсадлари учун йўналтирилади.

– Давлат бюджетининг ижтимоий таъминот харажатлари жорий йилга нисбатан 1,16 баравардан кўпроқ оширилган ҳолда кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 18 февралдаги 2302-сонли Қарори билан тасдиқланган “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурига асосан энг зарур маҳсулотлар ҳажми ва турларини кўпайтиришни назарда тутган ҳолда бериладиган маҳсулотлар тўпламини қайта кўриб чиқиш йўли билан ёлғиз қарияларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва энг зарур маҳсулотлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришга Давлат бюджетидан 5,2 млрд. сўм маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда, – дейди Қонунчилик палатанинг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Муҳаррам Дадахўжаева.

Албатта, давлат бюджетининг ижтимоий таъминлаш ва унинг назоратини олиб бориш барчамиздан катта масъулият ва жавобгарликни талаб этади. Қаердаги маблағлар тежамкор ва мақсадли сарфланса, ўша ерда ривожланиш, тараққиёт юксалиб бораверади.

Намоз ТОЛИПОВ.

## Саломатлик – туман бойлик

# СИФАТЛИ ВА НАМУНАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

**Инсондаги ҳақиқий гўзаллик нима деб сўрашса кўпчилик ички гўзаллик, одоб-ахлоқ дея жавоб беради. Лекин азал-азалдан исбот қилинган ҳақиқат мавжуд. Инсондаги ҳақиқий гўзаллик бу унинг саломатлигидир. Чунки, тани соғ одамнинг кўзлари қақнаб туради. Уни кўриб атрофдагиларнинг ҳам кайфияти кўтарилади.**

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 1-Келес поликлиникасининг 21 нафар шифокор ва 40 нафар ҳамшираси саломатликдек беназир бойлигимизни тиклаш ва асраш учун куну тун хизматга шайлар. Олий тоифали шифокор Доно Пўлатова раҳбарлигидаги мутахассислар 8 та маҳалладаги 23 мингдан зиёд аҳолига сифатли ва намунали тиббий хизмат кўрсатиб, улар саломатлиги йўлида меҳнат қилмоқдалар.

– Маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган, – дейди бош шифокор Доно Пўлатова. – Патронаж ҳамшираларимиз маҳалла маслаҳатчилари билан бирга “Саломатлик сектори” бўйича ишлаб, оналар, болалар, ўсмирлар, ҳомилдорлар ва кексалар соғлиғидан мунтазам хабардор бўлиб туришибди. Жумладан, “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида ҳудудда истиқомат қиладиган 60 ёшдан ошган

1670 нафар қария чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан тўлиқ ўтказилди. Шулардан 110 нафари шифохонада даволанди. Меҳнат фронти фахрийларидан 43 нафари санаторийга, 6 нафари республика шифохоналарига юборилди.

Муборак Алиева, Собит Алимов каби малакали шифокорлар, Гулнора Абдурасулова, Муниса Тошмуҳаммедовадек ўз ишига масъулият билан ёндашадиган ҳамширалар таҳлилхона, УЗИ, рентген каби замонавий аппаратлар ёрдамида беморларга тўғри ташхис қўйишга ётир. Бу билан эса касалликни эрта аниқлаб, ўз вақтида тўғри даво чоралари қўлланилишига эришилмоқда.

Даврон АХМЕДОВ.



СУРАТДА: «Оздодлик» маҳалласи шифокори Собит Алимов ва ҳамшира Нигора Ризаева беморни кўриқдан ўтказиш пайтида.

Муаллиф олган сурат.

**Мустақиллиқнинг дастлабки кунларидан бошлаб жамиятимизда соғлом авлодни шакллантириш гоёси илгари сурилиб, ана шу гоё атрофидан ҳукуматимиз томонидан ўнлаб махсус Давлат дастурлари ишлаб чиқилди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 1 августдаги “2014-2015 йилларда аҳоли репродуктив саломатлигини, хотин-қизлар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш қилиш тизимини мустақамлаш ва ривожлантириш Давлат дастури

## УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ

тўғрисида”ги 2221-сонли Қарори шулардан биридир.

Хусусан, “Соғлом она – соғлом бола” тамойили асосида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни янада мустақамлаш, болалар ва ўсмирлар, оналарни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиб, касалликларнинг олдини олиш ва даволашда Марғилон шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиника жамоаси томонидан кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда 30969 нафар

мактаб ўқувчилари тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларнинг 10444 нафари соғломлаштирилмоқда. Поликлиника “Саломатлик-1-2-3” лойиҳалари бўйича келтирилган замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланганлиги боис, оналар ва болаларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. 2015 йилнинг тўққиз ойи давомида туғма нуқсон билан туғилган болаларнинг 6 нафари Республика ихтисослаштирилган кардиохирургия марказида ордер орқали жарроҳлик йўли би-

лан даволаниб, соғломлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2015 йил 5 январдаги 5-сонли “2015 йилда аҳоли орасида профилактик йўналишдаги тадбирларни мувофиқлаштириш ҳамда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида профилактик ва чуқурлаштирилган тиббий кўриклари ташкиллаштириш тўғрисида”ги буйруғига асосан шаҳарда рўйхатга олинган 52979 нафар туғиш ёшидаги аёлларнинг 48107

нафари чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, аниқланган беморларнинг 14063 нафари соғломлаштирилди.

– Бу дастурларнинг мақсад ва вазифалари, албатта, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиб, ўсиб келаётган авлодни жисмонан маънавий етук бўлиб тарбияланишларига замин яратишдир, – дейди шаҳар Кенгаши депутати, кўп тармоқли марказий поликлиника мудири, олий тоифали врач Иброҳимжон Носиров.

Муҳаммадjon МАҲМУДОВ,  
Марғилон шаҳри.

Тадбир

# ҚАЛБЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ



Куни кеча республика миқёсида Тиббиёт ходимлари куни қизгин нишонланди. Жумладан, Тошкент шаҳар 7-сонли клиник шифохонасида ҳам мазкур санага бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирни бош шифокор Акмал Йўлдошев кириш сўзи билан очиб, барча тиббиёт ходимларини қутлуғ айём билан кутлаб, мамлакатимиз тиббиёт тизимида эришилаётган ютуқларга алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, ушбу шифо маска-

нида кўп йиллар мобайнида фаолият олиб борган устоз-шифокор Баҳром Шогизитов сўзга чиқиб, Юртбошимиз томонидан соҳа мутахассисларига кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрлик хусусида тўхталиб, тиббиёт ходимларининг касб байрами белгиланганлигини фахр билан айтиб ўтди.

Тадбир давомида шифохонада ўзининг ҳалол ва фидойи меҳнати билан ҳурматга сазовор бўлган бир гуруҳ ходимлар Юнусобод тумани ҳокимлиги ҳамда шифохона касаб уюшма кўмитаси томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланган бўлсалар, шифохонанинг неврология бўлими врач Динара Мироқилова Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишонига сазовор бўлди.

– Ҳар йили касб байрамимиз арафасида шифохонамизда бай-



рам тадбири кўтаринки кайфиятда ўтказилади. Бу йилги байрамда “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланганим мени янада қувонтирди. Бу албатта, давлатимиз томонидан биз каби тиббиёт ходимларининг меҳнатига бўлган

юксак баҳо деб биламан. Шумуносабат билан Юртбошимизга, Соғлиқни сақлаш вазирлигига чин дилдан ташаккур билдираман, – дейди **Динара Мироқилова.**

**Ибодат СОАТОВА.**  
Суратлар муаллифи **Ақром АБДУЛЛАЕВ.**

## Мутахассис маслаҳати

# ТИББИЁТ МУАССАСАСИДА ҲАМШИРА ИШИ:

## уни илмий асосда қандай ташкил этиш керак?

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда ҳукумати томонидан тиббиёт муассасалари раҳбарлари ва соғлиқни сақлаш ходимлари зиммасига фуқаролар саломатлигини асраб-авайлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, диагностика ва даволашнинг сифати ва самарадорлигини ошириш каби бир қатор муҳим вазифалар юклатилган.



Бу жараёнда ўз ўрнини аниқ белгилаб олган Тошкент шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонаси жамоаси ҳамжихатликда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Клиника стационарининг мавжуд имкониятларидан унумли фойдаланилапти. 18 ёшгача бўлган болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат ҳажми ва сифати оширилган экан, бунда шифохона моддий-техник базаси, юқори технологик ускуналар қўл келаётганлиги сир эмас.

Болаларга сифатли тиббий хизмат кўрсатишда ўрта тиббиёт ходимларининг роли жуда катта. Клиникамизда ўрта тиббий ходимлар 400 нафар бўлиб, бу кадрлар таъминотининг 49,0 фоизини ташкил қилади. Тиббий ходимларнинг касбий малака даражаси, яъни тоифали ходимлар 177 нафар бўлиб, шундан 3 нафари олий маъ-

лумотли ҳамширадир. Уларни иш ўринларига тўғри тақсимлаш, меҳнатини илмий асосда ташкиллаштириш принципларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўрта тиббий ходимлар шифохонамиз жамоасининг энг кўп қисмини ташкил қилади, улар даволаш ва диагностика қилиш билан боғлиқ барча жараёнларда фаол иштирок этишади. Тиббий хизмат турларини ривожлантиришда, шаҳар аҳолисининг 18 ёшгача бўлган фарзандларига намунали тиббий хизмат кўрсатишда, ҳамшираларнинг ўз касбий ваколатлари доирасида амалга оширадиган ишлари клиника раҳбариятининг диққат-эътиборида.

Ҳамширалар ўз касбий бурчини бажариш жараёнида инсонпарварлик ғояларига содиқ қолишни ҳаммамиз яхши биламиз. Улар буни тўғри қабул қилган ҳолда инсон ҳаётига хавф солган ҳолатни бартараф этиш учун доимо хиз-

матга шай туришади. Шу боис, бу ерда даволаниб чиқаётган бемор болалар ва уларнинг ота-оналари томонидан ҳамшираларимиз ҳақида доимий яхши гаплар тилга олинади.

Шифокор олдига қўйилган деонтологик талаблар аслида ҳамшираларга ҳам тўла маънода тегишлидир. Бемор билан мулоқотда хушмуомалалик, ҳар қандай мураккаб вазиятда ўзини оғир ва босиқ тутиш ҳамшираларимиз маънавий-ахлоқий қиёфасини белгилайди. Ҳамширалар меҳнат фаолиятидаги кеча-кундуз ўрнатилган навбатчилик тартиби, фавқулодда вазиятлар ташвиши ва бошқа таъсирлар улардан ирода талаб қилади. Бемор кўп, қўшимча ишлар миқдори оз эмас. Иш ўрнининг техник таъминоти пастлиги, айрим дори воситаларининг камчилиги ҳамширанинг жисмонан тез толиқишига ва руҳан зўриқишига олиб келиб, суяк-мушак тизими ва кўрув аъзоларига салбий таъсир кўрсатади. Тажрибадан биламизки, ўрта тиббиёт ходимлари тиббиёт назарияси ва амалиётдан яхшигина хабардор, аммо улар ўз устида мукаммал ишлашни, соғлиқни сақлашнинг мураккаб жиҳатлари, яъни стресс, инфаркт, инсульт, артериал қон босими, эпилепсия каби касалликка чалинган беморлар билан қандай иш олиб боришнинг ўзига яраша қийинчиликлари борлигини яхши билишади.

**Ўрта тиббиёт ходимлари меҳнатини илмий асосда ташкил қилиш принциплари мавжуд бўлиб, бунга ҳар бир тиббиёт муассасасида эътибор берилиши керак:**

- оқилона (рационал) услуб, усул ва меҳнат тартибларини, лавозим йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш;
- бошқарув ва меҳнатни таш-

кил қилишни марказлаштириш, меҳнатни тўғри тақсимлаш ва жамоавийлигини таъминлаш;

- тиббиёт ходимлари малакасини оширишнинг самарали тизимига амал қилиш;

мақсадида ўрта тиббий ходимлари ҳаётига соғлом турмуш тарзи қоидаларини киритишга эришиш, жамоада соғлом психологик муҳитни шакллантириш, “устоз-шогирд” тизи-



- андоза сифатида кўрсатишга арзийдиган намунали иш жойларини ташкил қилиб, жиҳозлаш;

- санитария-гигиена нормалари ва талабларига тўла амал қилиш;

- даволаш муассасалари ички муҳитини эстетик жиҳатдан замон талаблари даражасида ташкил қилиш;

- шифохонани замонавий тиббий жиҳозлар, юқори технологик аппаратлар билан таъминлаш;

- техника хавфсизлиги қоидаларига тўла амал қилиш;

- шифохонани компьютер технологиялари билан жиҳозлаш, иш жараёнини ва ижро интизоми, ҳужжатлар юритилишини компьютерлаштириш;

- тиббий ходимлар меҳнати меъёрлаштириш ва амалиётга киритиш;

- “профессионал зўриқиш синдроми”нинг олдини олиш

мини амалиётга киритиш, фаол дам олишни ташкил этиш, доимо ўз устида ишлаш, уйда ва ишда, жамоада намунали хулқи билан ибрат бўлишга ўргатиш талаб қилинади.

Биз алоҳида таъкидлаб ўтилган жиҳатларга даволаш муассасаларида эътибор қаратилса, ўрта тиббиёт ходимлари меҳнатини ташкил қилишда ҳеч қандай муаммага ўрин қолмайди. Даволаш муассасалари раҳбарлари ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳамширалар ишини илмий асосида ташкил этишнинг барча жиҳатларига эътибор қаратадилар, деб умид қиламиз.

**М. ТАБИБОВА,**  
Тошкент шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонаси бош шифокори.  
**М. ОДИЛОВА,**  
бош ҳамшира.

## Меҳнати таҳсинга лойиқ

## ЭЛГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ — САОДАТ

**Бухоро вилоятининг кўплаб даволаш муассасаларида эгнига оқ халат илиб, бемор дардига малҳам қўйиб келаётган шифокорларни учратишимиз мумкин. 2006 йилда нафақага чиққан бўлса-да, ҳамон элга хизмат қилиб келаётган Нутфулло Назаров шифокорлик касби орқасидан ҳурмат-эътибор қозонган отахонлардан биридир. У киши билан юзлашганимда, тетик ва бардам, хушмуомала ва самимий бу инсоннинг 77 ёшда эканлигига тўғриси, ишонмадим. Қўлидан келган хизматини ҳеч кимдан аямайдиған кишиларга Аллоҳ куч-қувват беради, деганлари шу бўлса керак-да.**

– Шифокорлик халатини 53 йилдан бери кияман. Бу йиллар орасида қанчадан-қанча кишиларнинг дардига шерик бўлиб, даво айладим. Врачлик касбининг этикаси шундаки, бир оғиз ширин сўз беморга ҳам хуш кайфият бағишлаб, касалликдан тезда фориг бўлишига ёрдам беради. Кўпни кўрдим, ҳаётнинг ўзи устозлик қилар экан. Ўз меҳнат фаолиятимни бошлаган илк йилларда кўп нарсани билмаган бўлсам-да, ёшим улғайиб, кексалик даврига қадам қўйганимда, ёш мутахассисларга устозлик қилмоқдаман. Гиждувон туманидаги "Зарчара" қишлоқ врачлик пунктида меҳнат қилиб келар эканман, тиббиёт ҳамширалари ва ёш шифокорларга турли масалаларда йўл-йўриқ ва кўрсатма бериб тураман, – дейди **фахрий шифокор Нутфулло Назаров**.

Нутфулло ака 1972 йилда Самарқанд Давлат институтини тугатиб, 1972-1973 йиллар-

да Бухоро вилоят 1-сонли шифохонада жарроҳлик бўйича интернатура ўтади. 1973-1974 йилларда Гиждувон туман марказий шифохонаси тез ёрдам станциясида бош шифокорлик вазифасида фаолият юритган бўлса, 1974 йилдан 2006 йилга қадар Гиждувон туман марказий шифохонасининг реанимация бўлимида анестезиолог-реаниматолог шифокори бўлиб, қанчадан-қанча оғир беморларга қайта ҳаёт бағишлади. Ўз касбини ардоқлаб, эл назарига тушган инсон, қолаверса ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтаётган Нутфулло Назаров ҳақида гап кетса Гиждувон туман марказий шифохонасидаги шифокору беморлар ўзимизнинг кадрдон устозимиз ва дарддан халос этган меҳрибон дўхтиримиз дея фахр билан гапиришади. Камтарин инсон бухоролик устозлари И. Қаҳҳоров, А. Олимов ва Қ. Нажмиддиновлардан олган билим ва тажрибаларини иш фаолиятида қўллаб, эл назари-

га тушганлиги ҳамда йиллар давомида ўз касбига садоқат билан ёндошганлиги, бу албатта, машаққатли меҳнатлар ортидаги маҳсулдир.

Шогирдлари А. Ҳамроев, Е. Рустамов, З. Бурхонова ва М. Солиевалар халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилаётганликларидан ва Нутфулло Назаровдек камсуқум, самимий, ўз касбини ардоқлаб келган устозлари борлигидан фахрланадилар.

Нутфулло ака хонадонидан 4 фарзанд дунёга келиб, улар тарбияси билан жиддий шуғулланган жуфту ҳалоли Бибиражаб опа иккиси пиру бадавлат оила соҳибларига айланишди. Қизлари Дилноза ва Шаҳноза ҳамширалик касбини танлаб, айни пайтда элга отаси каби сидқидилдан хизмат қилиб келаётган бўлса, ўғиллари Тўлқинжон стоматолог. Яна бир фарзанди Жамшидҷон Навоий тоғ-кон институтини битириб, Навоий цемент заводида муҳандис бўлиб фаолият кўрсатмоқда.

Иккала жуфтликнинг бахту саодати, бир-бирига вафо ва садоқатини қузатган киши беихтиёр марҳум адибимиз Ўткир Ҳошимовнинг "Қушқанот" асаридаги ушбу сўзларни эслайди: "Йигирма ёшдаги ошиқ-маъшукликдан етмиш ёшдаги меҳроқибатгача етиб борган эр-хотин сабр-қаноат фаришталаридир".



Яхши инсонлар ҳақида ёзгин ва буни бошқаларга илингинг келаверади. Нутфулло ака ҳақида етти ёшдан етмиш ёшгача илиқ гапиради, мақтаб сўзлайди, фахрланади. Бундай таърифта эса ҳамма ҳам сазовор бўлолмайди. Кўнглида кири йўк, одамларга яхшилик қиладиган, кўлидан келганича ёрдам берадиган кишилар яхшиларнинг яхшисидир.

Ҳар тонг юз-қўлини ювиб, тоат-ибодатини адо этган Нутфулло ака нонушта қилиб, вазмин қадамларда қишлоқ врачлик пунктига йўл олади. Йўл-йўлакай у кишини кўрганлар салом беришади, сўрашишади.

Айримлари қаеридир оғриётганидан шикоят қилиб, шифокордан у-бу маслаҳат ҳам сўрайди. Шифокор малоллик сезмасдан ўз маслаҳатини беради. Ҳақиқий врач аслида шундай бўлиши ҳам керак-да.

Обод ва озод юртда яшашнинг ўзи бахт, ана шу диёрнинг бунёдкор ва яратувчи элига хизмат қилиш яна бир саодат. Нутфулло Назаровни ана шундай юртдошларимиз сафига сира иккиланмай қўшамиз ва уларга узоқ умр, куч-қувват тилаб қоламиз.

**Мурод РАҲАБОВ,**  
Бухоро вилояти.

## Ибрат

## ОТА ДУОСИНИ ОЛГАН ШИФОКОР

**Мамлакатимиз тиббиёт тизимининг тубдан янгиланаётганлиги ҳар биримизни қувонтиради. Вилоят марказларида фаолият кўрсатаётган диспансерларда муайян касаллик турини даволаш, ташхис қўйиш, беморга қувонч бахш этиш имкониятлари яратилган. Навоий вилояти онкология диспансерида фаолият юритаётган тажрибали онколог-шифокор Сафура Шавозова ана шундай имкониятдан оқилона фойдаланиб, хотин-қизларга хизмат кўрсатиб келаётган қўли энгил шифокорлардан биридир.**

Онкогинекология тиббиётда нисбатан янги йўналиш бўлиб, бу хотин-қизлар ўртасида учраётган гинекологик касалликларни аниқлаш билан шуғулланади. Сафура Шавозова ана шу соҳани чуқур эгаллашни ният қилган шифокор.

1995 йилда Тошкент педиатрия институтини тамомлаган Сафура Навоий вилоят онкология диспансерида болалар онколог сифатида иш бошлади ва тез орада ўз жамоасида ҳурмат-эътибор қозонди. Бу соҳа бўйича етук мутахассис бўлмаганлиги учун ҳам 2000 йилда у Республика онкология илмий марказида ўз малакасини ошириб қайтди. Онкогинекология йўналишида қайта тайёрловдан ўтган мутахассис диспансер-

да даволаш жараёнини пухта ташкил этишга диққат-эътибор қарата бошлади.

Диспансерга туман тиббиёт бирлашмаларидан йўлланма олган туғиш ёшидаги ва бу ёшдан ўтган аёллар келишади. Сафура Шавозова уларни замонавий технологиялар билан синчиклаб текширади, ташхис қўяди. Вилоятнинг Томди, Учқудуқ, Нурота туманларидан келаётган беморларни шифокор имкон қадар тезроқ кўриқдан ўтказишга, зарурий маслаҳатларини беришга шошилади. Сабаби, бу туманлар вилоят марказидан жуда узоқ.

Шифокор Сафура Шавозова фақат диспансерда ўтириб, бемор қабул қилмайди. Балки аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, бачадон бўйни саратони, аёлларнинг

бошқа экстрагенитал касалликлари хусусида тез-тез суҳбатлашиб туради. Кўпинча уй-рўзгор юмушлари ва хизмат вазифаси билан банд бўлиб қолган аёллар ўз саломатликларига эътибор бермаслиги натижасида турли касалликлар келиб чиқиши мумкинлигини уларга яхшилаб тушунтиради. Қайд этилиши жиҳатидан иккинчи ўринда турувчи бачадон бўйни касаллиги беморни руҳий тушқунликка туширади. Аммо яшаш учун курашиш керак, Сафура ўз беморларига доимо кўтаринки руҳда бўлишларини тайинлайди. Бу уларнинг дардини энгиллаштиришдаги муҳим омиллардан бири эканлигини уқтиради. Томди туманидаги Келдибоевлар оиласининг келинларидан бири онкогинеколог ҳузурига келганида, 40 ёшдан эндигина ошган аёлдаги тушқун кайфиятдан Сафуранинг ўзи ҳам чўчиб кетди. Аммо шифокорлик деонтологиясини, касб этикасини мукамал эгаллаган Сафура уни тушқунликдан олиб чиқди, беморни даволаб, унинг миннатдор сўзларини тинглашга муваффақ бўлди.

– Диспансеримиз 60 ўринга

мўлжалланган. Онкологик касалликларнинг барчасини текширувдан ўтказишимиз керак. Аҳоли ўртасида саратон касалликларини аниқлаш бўйича бир йилда бир марта тиббий кўрик ташкил қиламиз. Айниқса, аёллар ўртасида қайд қилинадиган саратон касалликларини профилактика қилиш, функционал диагностикадан ўтказиш, зарурий муолажани буюришда онкогинеколог Сафуранинг хизмати катта. Саъдин Бекмирзаев, Баҳриддин Эгамов, Комил Ҳасанов каби шифокорларимиз билан баамаслаҳат иш тутадиган бу ҳамкасбимиз билан фахрланамиз, – дейди **диспансер бош шифокори Толиб Хусаинов**.

Ҳар бир касб эгасининг болалик давлари умрининг келинги асли учун муҳим босқич ҳисобланади. Туманнинг Жарма қишлоғида вояга етган Сафура билан қишлоқдошлари фахрланишса, ажаб эмас. Чунки шифокорлик касбини эгаллаб, ўз ҳаёт йўлини белгилаш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Сафуранинг отаси педагог бўлгани учун, фарзандларини билимли олий маълум-

отли қилишга аҳамият берди. У киши қизи Сафуранинг болалар шифокори бўлишини орзу қиларди. Худога бехисоб шукрки, отаси дуосини олган қиз унинг ниятини амалга ошириб, ҳаётда ўзининг ёрқин тақдирини яратди.

– 4 нафар фарзандим бор, турмуш ўртоғим мени ҳамаша қўллаб-қувватлайди. Мен ҳар куни эрталаб ишхонага шошар эканман, у ерда кимлардир менга мунтазир бўлиб турганини сезаман. Ишхонадан уйга қайтар эканман, фарзандларим ва турмуш ўртоғим учун энг керакли инсон эканлигим кўнглимдан ўтади. Аслида, аёл киши учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак, – дейди **шифокор**.

Ҳа, шифокор бўлиб, элга хизмат қилиш савоб, жамоада обрў-эътибор қозониш, даволанувчилар раҳматини тинглаш эса яна бир бахт. Худди шундай ҳурматга сазовор бўлаётган Сафура Шавозова каби шифокорлар сафи кенгайверсин.

**Улжабой ҚАРШИБОВ,**  
Навоий вилояти.

## Ижтимоий ҳимоя

## ИЖОБИЙ УЗГАРИШЛАРГА ЭРИШИЛДИ

**Ногиронлар жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоларидир. Юртимизда уларнинг яшаши, меҳнат қилиши учун етарли ҳуқуқий база яратилган, улар доимо давлат эътиборида. Бу борада Хива туманлараро тиббий-меҳнат экспертиза комиссиясида ҳам бир қанча ибратли ва хайрли ишлар амалга оширилмоқда.**

Меҳнат фаолияти билан боғлиқ тушунтиришлар туфайли худудимизда истиқомат қилиб, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлимидан пенсия ва нафақа олиб келаётган ногиронларни тиббий кўриқдан ўтказиш натижасида саломатлиги яхшиланган, меҳнат фаолияти тик-

ланган фуқароларнинг ногиронлик гуруҳлари бекор қилинди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги тиббиёт муассасалари, Пенсия жамғармалари, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан олиб борилган ҳамкорлигимиз ўз са-

марасини бермоқда. Ногиронлик кўрсаткичларида ижобий ўзгаришларга эришилди. Ногиронларнинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратиб, уларнинг реабилитация воситалари ва протез-ортопедик маҳсулотларига тавсиялар берилиб, имкон бориша таъминланмоқда.

Тиббий муассасаларда ногиронларни яққа тартибда реабилитация қилиш дастурининг бажарилиши ТМЭК врачлари томонидан назоратга олиниб, аниқланган хато ва камчиликлар поликлиника врачлари билан муҳокама қилинмоқда.

**Озод ҚУРБОНОВ,**  
Хива туманлараро  
98-сонли ТМЭК раиси.

14 ноября – Всемирный день борьбы с сахарным диабетом

**ПРОФИЛАКТИКА САХАРНОГО ДИАБЕТА**

**На сегодняшний день сахарный диабет (СД) в определенном смысле представляет собой неизлечимую болезнь и вполне естественно, что значение профилактики заболеваний в подобной ситуации возрастает. Сен-Винсентская декларация (1989) констатировала, что сахарный диабет становится все более серьезной проблемой для здравоохранения европейских стран.**

Сахарный диабет представляет собой гетерогенное заболевание. Самой распространенной формой его является сахарный диабет типа 2 (около 95% больных), который в основном встречается у лиц зрелого и пожилого возраста. Чаще всего predisposing фактором развития СД являются избыточный вес, стресс, высокое артериальное давление, прием алкоголя и курение. 90% больных имеют избыточный вес или ожирение, которые ухудшают течение сахарного диабета и затрудняют достижение компенсации заболевания. Снижение веса всего лишь на 5-10 кг приводит у таких больных к улучшению показателей глюкозы в крови, а в ряде случаев и к их полной нормализации. Низкокалорийная пища и физическая активность являются тем фундаментом, на котором строится лечение

сахарного диабета типа 2. Но многие больные пренебрегают этими мерами, обрекая себя на длительную декомпенсацию и соответственно на развитие поздних осложнений. Сахарный диабет опасен своими осложнениями, а именно, слепотой, ампутацией конечностей, поражением почек и сосудов. Достаточно сказать, что инфаркт миокарда встречается у больных сахарным диабетом типа 2 в 3 раза чаще, инсульт – в 2-3 раза, а риск ампутации конечности – в 40 раз чаще, чем у лиц, не страдающих диабетом. Диабетическая слепота приобрела медико-социальную значимость. Но все эти осложнения можно предотвратить или отсрочить, если держать под контролем и корректировать уровень гликемии. Таким образом, чтобы предотвратить развитие СД, мы должны приложить максимум усилий по контролю своего веса, уровню артериального давления, быть

толерантными к стрессовым воздействиям, не употреблять спиртные напитки, и категорически отказаться от курения.

Низкокалорийная пища представляет собой продукты с низким содержанием жира и легкоусвояемых углеводов. Пища с большим содержанием растительной клетчатки – это различные виды капусты, морковь, редис, зеленая фасоль, болгарский перец, баклажаны, несладкие фрукты. Следует употреблять нежирные сорта мяса, рыбы в отварном, запеченном и тушеном виде, жареного нужно избегать. Многие люди значительно увеличивают в суточном рационе долю растительного масла, чего делать нельзя, ибо оно так же калорийно, как и животный жир.

Существует простое правило: пить два стакана родниковой негазированной воды утром и перед каждым приемом пищи обязательно. Это необходимый минимум. При этом нельзя считать напитками, восполняющими водный баланс, следующие популярные продукты: газированные напитки, кофе, чай, алкоголь.

Регулярные физические нагрузки являются гарантированным методом профилактики любых заболеваний. Жировые

клетки теряют объем естественным путем и в нужных количествах, а клетки мышц поддерживаются в здоровом и активном состоянии. При этом глюкоза не застаивается в крови, даже если есть некоторый ее избыток. Необходимо хотя бы 10-20 минут в день заниматься любым видом спорта. Это не обязательно должна быть активная и изнуряющая тренировка. Для многих сложно выдержать полчаса спортивной нагрузки, а некоторые просто не могут найти свободные полчаса. В этом случае можно разделить свою физическую активность на три подхода по десять минут в течение дня.

Нет необходимости приобретать тренажеры или абонементы в спортивный зал. Нужно всего лишь слегка изменить свои ежедневные привычки. Хорошими способами поддерживать свое тело и здоровье в тонусе являются: ходьба по лестницам вместо использования лифта, прогулка в парке с друзьями вместо вечера в кафе, активные игры с детьми вместо компьютера, использование общественного транспорта вместо личного для утренних поездок на работу.

Профилактика стресса будет

отличной профилактикой абсолютно всех заболеваний, а не только сахарного диабета. Следует избегать контактов с отрицательно настроенными людьми. Если же это неизбежно, контролируйте себя и сохраняйте спокойствие. Стрессы напрямую связаны с уровнем артериального давления. Повышенное артериальное давление нарушает здоровые процессы в организме. Любое сердечно-сосудистое заболевание повышает риск заболевания сахарным диабетом.

Актуальный совет из этой же области – никаких сигарет, насвая и кальяна. Они лишь создают иллюзию успокоения, но на самом деле это не так. При этом нервные клетки и гормональный фон все равно страдают, а никотин поступающий в организм, способствует развитию диабета и его последующих осложнений.

**Малик УТЕШЕВ,**  
врач-методист отдела  
формирования и  
пропаганды здорового  
образа жизни  
Республиканского  
института здоровья и  
медицинской  
статистики.

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотиغا кўра, қандли диабет нафақат инсон саломатлиги, балки жамият ривож ва келажак тараққиётига ҳам жиддий таъсир этмоқда. Ушбу касаллик тарқалишининг олдини олиш мақсадида 14 ноябрь – Халқаро қандли диабетга қарши кураш кунли сифатида кенг нишонланмоқда.**

Мамлакатимизда ушбу сана муносабати билан тегишли давлат ва жамоат таш-

**КЕКСАЛАР САЛОМАТЛИГИ ДОИМИЙ МУҲОФАЗАДА**

килотлари ҳамкорлигида ҳар йили ноябрда диабетга қарши кураш ойлиги ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар «Umid» жамоат бирлашмаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан жойларда касаллик профилактикаси, диагностикаси ва даволашнинг замонавий усуллари бўйича шифокорлар иштирокида илмий анжуманлар ташкил этилмоқда. Пойтахтимизда кексаларда қандли диа-

бет келиб чиқишининг олдини олишга бағишлаб ташкил этилган илмий-амалий анжуманда ана шу йўналишдаги долзарб масалалар хусусида сўз юритилди. Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аҳоли, жумладан, кексаларга кўрсатилаётган тиббий-профилактика ёрдами сифати ва самардорлигини мунтазам такомиллаштириб боришга қаратилаётган доимий эътибор халқимизнинг саломатлигини мус-

таҳкамлаш, узоқ умр кўриш кўрсаткичини узайтиришда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Кексаларда диабет касаллиги келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида ташкил этилаётган анжуманларда тиббиётнинг бирламчи бўғинида ишлайдиган шифокорлар камраб олиниб, тиббий-профи-

лактика ишларини ташкил этиш, ташхис ва даволаш амалиётида қўлланилаётган янги йўналишлар бўйича тажрибалар оммалаштирилмоқда.

Тадбирда соғлом турмуш тарзини юритиш, аҳолини ўз вақтида бирламчи тиббий кўрикка жалб этиш, аниқланган касалликларни соғломлаштириш, оилаларда тиббий маданиятни юксалтириш, геронтология хизматини ривожлантириш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**  
ЎЗА.

**Ота-оналарга маслаҳат****БОЛАМ СОҒЛОМ ЎССИН, ДЕСАНГИЗ...**

**Мутахассисларнинг фикрича, инсон организми меъёрида ривожланиши учун олти юз хилдан зиёд озуқа керак бўлади. Айниқса, болалар учун озик-овқат моддаларининг тўлиқ йиғиндисидан оқсил, ёғ, углевод, минерал моддалар ва витаминлар бўлиши зарур. Бундай фойдали озуқалар организмга фақат рационал овқатланиш орқалигина етказилади. Болаларнинг нотўғри овқатланиши, шахсий гигиенага риоя қилмаслиги оқибатида турли касалликлар, хусусан гижжалар кўпайиши авж олади.**

Болаларда учрайдиган касалликлардан бири гельминтозлардир. У организмга паразит чувалчанг (гижжа)лар кириши натижасида юзага келади. Гижжалар бола организмдаги энг керакли дармондорилар ва микроэлементларни сўриб олади.

– Болаларда гижжанинг пайдо бўлиши ва кўпайиши жуда осон кечади, – дейди Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти ва клиникаси шифокори Хилола Хошимова. – Кўпчилик кичкинтойлар қўлини оғзига солишни одат қилади. Ана шу вақтда тирноқ остидаги микроблар организмга тушади ва гижжани ривожлантиради. Қолаверса, ювилмасдан ейилган мева-

сабзавотлар, ўйинчоқ ва ўқув қуроллари оғзига солиниши гижжанинг кўпайишига сабаб бўлади. Уй ҳайвонлари билан ўйнаш, очик сув ҳавзаларида чўмилиш оқибатида ҳам гижжалар пайдо бўлади. Улар тез ривожланади ва ичак орқали бутун танага тарқалади.

Шифокорларнинг фикрича, гижжалар бир неча гуруҳга бўлинади. Ҳозирги вақтда нематода – ясси чувалчангсимон гижжалар кўпроқ учрайди.

Болани шахсий гигиенага риоя этишга ўргатиш, кийими, ўйинчоқларининг озодаллигига эътибор қаратиш керак. Кийимларини ҳар кун ювиб, дазмоллаш зарур. У фойдаланадиган буюмлар ва овқат идишлари алоҳида бўлиши керак. Агар болада гижжа пайдо бўлса, қорни оғрийди, асабийлашади, сколиоз (умуртқа поғонасининг қийшайиши) куза-

тилади, жиззакчи бўлиб қолади. Уйқуда тишларини гижирлатиши унинг энг биринчи белгисидир.

– Гижжалар тананинг ҳамма жойида – қорин, ичак, қон томирлар, мия, лимфа, жигар, ўт халтаси ва ўпкада яшайди, – дейди Тошкент тиббиёт академияси педиатрия кафедраси катта ўқитувчиси, тиббиёт фанлари номзоди Гулноза Юсупова. – Агар гижжа ичакда бўлса, боланинг ичи қотиб, кўнгли айниши кузатилади. Жигарда бўлса, кўзининг оқи ва бадани сарғаяди, шиш пайдо бўлиб, танага турли доғлар тушиши мумкин. Ўпкага тушса, иситма чиқиши ва йўтал ҳосил бўлиши мумкин. Оқибатда болани бўйи яхши ўсмайди, хотираси пасайиб, уйқуси нотинч бўлади. Қаттиқ асабийлашиб, дарс ва иш қилишга ҳафсаласи сўнади. Гижжаларнинг кўпайиши оқибатида боланинг буюқ беши қатталашади, иммунитетни сусаяди, сочи тўкила бошлайди. Грипп ва турли вирусли касалликлар шундай заиф иммунитетли организмга тез юқади.

Гижжалардан халос бўлишнинг энг яхши йўли – ота-она фарзандини доимий равишда шифокор назоратидан ўтказишдир. Шифокорлар болани кўриқдан

ўтказиб, аниқ ташхис қўйди ва зарур чораларни тавсия этади.

Бола паразитлардан бирданига халос бўлмайди. Аввало, унинг ичаклари тозаланади. Ҳар ҳафта текшириб борилади. Муолажалар самарали яқунланса, гижжадан батамом қутулиш мумкин.

Шифокорларнинг фикрича, гижжаларни аввал тиббиёт йўли билан, кейин халқ табobati усулида даволаш керак. Сабаби, паразит ичакнинг юқори қисмларида жойлашган бўлади. Уларга қарши дори воситаларини истеъмол қилиб, тана зарарсизлантирилгандан сўнг гижжани туширувчи турли гиёҳлар ичиш мумкин. Бугунги кунда гижжани бартараф этиш учун турли препаратлардан фойдаланиш тавсия этилади, уларни ичишдан олдин шифокор билан маслаҳатлашиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 23 январдаги «2015-2018 йилларда Ўзбекистон Республикасида болалардаги гельминтозларни даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ айна пайтда мамлакатимизнинг барча ҳудудидаги тиббиёт муассасаларида болалар организмга зарар келтирувчи гижжаларни даволаш

бўйича турли тадбирлар, давра суҳбатлари уюштириб келинмоқда. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти ва клиникаси шифокорлари гижжаларни даволаш бўйича мактабгача таълим муассасалари, мактаб ва маҳалаларда тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Шундай гижжалар борки, уни йўқотиш учун стационар даволаниш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 29 августдаги «2015-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳамда ўқувчи-ёшларнинг соғлом овқатланиш тизимини тубдан яхшилаш, ошхона ва буфетларда санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган шарт-шароитларни яратишда муҳим аҳамият касб этади.

**Азима КИЁСОВА,**  
ЎЗА.

## Дил изҳори

## БАХТИМИЗГА ОМОН БЎЛИНГ



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ислохот жараёнлари изчиллик билан амалга оширилиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати кундан-кунга яхшиланмоқда. Жумладан, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида ҳам самарали натижаларга эришилмоқда. Бўлимлар қайта реконструкциядан чиқарилиб, даволанувчилар учун барча шароитлар яратилган. Мен ҳар йили икки мартаба ушбу марказнинг кардиореабилитация, неврология ва пульмонология бўлимларида даволаниб чиқаман. Мазкур бўлимлардаги тиббиёт ходимларининг билим ва тажрибаси ҳамда муомаласи касалликдан тезда фориг бўлишимда ёрдам бермоқда. Айниқса, марказ директори Анис Аляви ҳамда директор ўринбосари Умида Комилова ҳамда бош шифокор П. Қодировларнинг раҳбарлик салоҳияти жамоада соғлом мухит барқарорлигини кўрсатиб турибди. Кардиореабилитация бўлими мудири Г. Нурмухаммедова, катта ҳамшира Ш. Саидова, навбатчи ҳамширалар Мўтабар, Лазиза, Ўтамои, Малика, кичик тиббиёт ходими Ш. Аҳмедова, уқаловчи Х. Бердикулова, пульмонология бўлими мудири Б. Орипов, врач-кардиолог З. Расулова, врач-пульмонолог Ю. Тожихўжаева, катта ҳамшира Дилноза Аҳмедова ҳамда ҳамширалар М. Фуломова, З. Болтабоева, нефрология бўлими невропатолог-врачлари Л. Югай, Д. Нажмитдинова, қабул бўлими бошлиғи Х. Алихўжаеваларга саломатлигим тикланишида ўз меҳнатларини аямаганликлари учун чексиз миннатдорлигимни билдираман. Уларнинг машаққатли ишларига омадлар тилаб, касб байрамлари билан чин дилдан табриклайман.

И. ПЯГАЙ. Тошкент шаҳри.  
Суратлар муаллифи Ибодат СОАТОВА.

## Янгилик сари

## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ИННОВАЦИЯЛАР

Мамлакатимиз дастурий маҳсулотлар бозорига кенг турдаги инновацион ишланмалар тақдим этилмоқда. Ушбу ишланмаларни жорий этиш ташкилотларга бошқарув жараёнини соддалаштириш, қўл меҳнатини автоматлаштириш ёки сезиларли қисқартириш имконини бермоқда. «Верго» дастурчилар маркази томонидан тиббиёт муассасалари учун тайёрланган «MedData» автоматлаштирилган ахборот тизими шундай маҳсулотлар сирасига киради.

«MedData» автоматлаштирилган ахборот тизими Сирдарё вилоятидаги 14-Тошкент шаҳар Яққасарой туманидаги 4-оилавий поликлиника, шунингдек, Республика перинатал марказида жорий этилган. Президентимизнинг 2012 йил 21 мартдаги «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларни такомиллаштиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

– Мазкур тизимда «поликлиника» ва «стационар» режимлари мавжуд, – дейди «Верго» дастурчилар маркази лойиҳаси раҳбари Ирина Бергер. – Масалан, поликлиникада «Поликлиника рўйхатга олиш бўлими», «Поликлиника шифокори», «Ста-

тистика» каби модуллар қўлланилади. Маълумотлар базасидан фойдаланишнинг тегишли даражасига мувофиқ, ҳар бир ходимнинг профили яратилади. Жумладан, рўйхатга олиш бўлими ходими ҳар бир шифокорнинг иш жадвалини, шифокор эса барча беморларнинг электрон карточкалари ва касаллик тарихини кўриш ҳуқуқига эга.

«MedData» автоматлаштирилган ахборот тизими жорий этилган тиббиёт муассасалари ходимларининг таъкидлашича, соғлиқни сақлаш тизимида янги ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилаётгани беморлар ва соҳа ходимлари учун қулайликлар яратмоқда. Бундан ташқари, шифокорлар масъулиятини ошириб, тиббиёт ходимларини марказлаштирилган ҳолда назорат қилиш имконини беради.

– Аксарият ҳолларда беморлар поликлиникада тиббий кўрик ёки даволашни билан боғлиқ бўлмаган жараёнларга кўп вақт сарфлайди, – дейди Республика перинатал марказининг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича етакчи мутахассиси Павел Ким. – Мисол учун, бемор рўйхатга олиш бўлимида, шифокор қабулига навбатга турганда, анкета тўлдирилаётганда ва дори қоғози ёзилаётганда ортиқча кутиб қолади. «MedData» автоматлаштирилган ахборот тизимининг жорий этилиши ушбу жараёнларни сезиларли даражада оптималлаштириш имконини берди. Хусусан, беморларнинг амбулатория карталари компьютерда ўқилади-ган шаклга ўтказилиб, рўйхатга олиш бўлими фаолияти автоматлаштирилди.

Замонавий электрон тизимларидан фойдаланиш самарасида реал вақт режимда тиббий маълумотлардан фойдаланиш имконияти пайдо бўлиб, тиббиёт ходимларининг меҳнати энгиллашмоқда, фаолият самарадорлиги ва кўрсатилаётган хизматлар сифати ошмоқда.

Муҳаммад ҚАРШИБОВ,  
ЎЗА.

## Обуна – 2016

## Хурматли муштарийлар!

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2016 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда.



Республикаимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг!

Нашр индекси: 128.

Агар сизда саволлар, фикр-мулоҳаза ва таклифлар бўлса, қуйидаги телефон рақами ва электрон манзилларимизга мурожаат қилишингиз мумкин: (0371) 233-13-22, info@uzssgt.uz, uzss@yandex.ru

Газета муассиси:  
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ  
Нашр учун масъул:  
Бош муҳаррир ўринбосари Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 4236 нусха.  
Буюртма Г-1158.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табак. Формати А3. Офсет усулида босилган.  
Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.



